

ЧОРРАҲАЛАРДА ҲОСИЛ БЎЛАДИГАН ТИРБАНДЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР

Иргашев Жавлонбек Гафурджанович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Анотатсия: Мақолада ҳозирги кунда автомобил йўларида йўл-транспорт ҳодисаларнинг асосий сабабларидан бири бўлган тирбандликлар туфайли содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келувчи ҳолатлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Автомобил йўларида ва чорраҳаларда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича янги таклифлар берилди.

Таянч сўзлар: йўл-транспорт ҳодисаси, тирбандлик, севетофор, яшил ўлак, автобус, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, транспорт воситаси, фавқулотда вазият.



Муайян мутахассислар ёки ҳайдовчиларнинг қониқарсиз касбий тайёргарлиги билан боғлиқ муаммолар тез-тез амалиётимизда учрайди ва албатта таъкидлаш керакки, бу ҳолатлар сабабсиз эмас, балки еътиборни жалб қилади. Ўзбекистон Республикасидаги йўл ҳаракат хавфсизлигининг таъминланганлик даражаси бошқа мамлакатлар ва минтақаларга нисбатан (йўл транспорт ҳодисаларнинг содир бўлиш даражаси бўйича) ҳали ҳам замонавий автотранспорт воситаларига ега мамлакатларда шунга ўхшаш кўрсаткичларга қараганда анча юқори. Масалан, йўл ҳаракати

хавфсизлиги бошқармасининг маълумотларига кўра, транспорт хавфи Македония, Естония ва Словакия каби давлатлардаги замонавий транспорт воситаларига ега мамлакатларга қараганда 2-2,5 баравар юқори. Болгария ва Индонезия давлатлари кўрсаткичлари билан деярли баравар. Шу билан бирга, енг катта бўшлиқ (фарқ 4-4,5 барвар) Сингапур ва Скандинавия мамлакатлари (Швеция, Норвегия, Финляндия) билан таққослаганда кўп содир бўлмоқда.[1]

Автомобил саноати кескин ривожлана бошлагандан буён йирик шаҳарларда тинимсиз равишда тирбандликлар содир бўлмоқда. Оқибатда, кўплаб инсонларнинг қимматли вақти кўчада ўтиб кетмоқда. Шу жумладан, Республикамизни маркази шаҳарларида ҳам пойтахтда 10 баллик тирбандликлар содир бўлмоқда. Оқибатда шаҳарнинг асосий кўчаларида машиналар ҳаракати тўхтаб қолиб автобуслар ҳаракатига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Йўлларда тирбандликларнинг келиб чиқишига бир нечта омиллар сабаб бўлади. Жумладан, машиналар сонининг ўта кўплиги, кўчаларда қурилиш-таъмирлаш ишларининг ўтказилиши, ҳайдовчиларнинг тартибсиз ҳаракатланиши, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиши ёки ноқулай об-ҳаво шароити машиналар ҳаракатини чеклаб қўйиши мумкин.

Маълумотларга кўра тирбандликдан энг кўп Ҳиндистон аҳолиси азият чекади. Чунки бу давлатда турли транспорт воситалари жуда тартибсиз ҳаракатланади ва уларни ҳатто полиция ҳам етарлича назорат қила олмайди.

Айрим давлатлар эса тирбандликларнинг олдини олиш учун маълум чекловлар киритишган. Масалан, Сингапурда шахсий машинага эга бўлиш ҳуқуқи сотилади.

Ҳозир бу давлатда шахсий машинага эга бўлиш учун рухсатнома олиш 70 мингдан 106 минг долларгача [бўляпти](#). Одамлар шахсий машина учун жуда катта пул сарфлашдан кўра, жуда яхши ривожланган жамоат транспортида юришни афзал билишади.

Индонезияда эса 1992 йилда қабул қилинган қонунга кўра, йирик шаҳарларда ҳайдовчилар ўзи билан яна икки кишини олиб юришга мажбур. Агар кўчада ҳаракатланаётган машинада ёлғиз ҳайдовчининг ўзи бўлса уни жаримага тортишади.

Лос-Анжелесда эса ҳайдовчи машинага камида икки кишини олиб кетаётган бўлса унга алоҳида бўлақдан юриб, тирбандликни четлаб ўтиш имконияти тақдим этилади.

Тирбандликлардан қочиш учун айрим мамлакатларда, йирик шаҳарларда машиналарнинг рақами бўйича чекловлар жорий қилинган. Яъни бир кун охири тоқ, иккинчи кун охири жуфт сон билан тугаган машиналар ҳаракатланишига рухсат берилади.

Қуйида тарихда юз берган энг йирик тирбандликлар ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтамыз.

1. Пекин-Тибет магистрали, Хитой – 260 километр

2010 йил 14 август куни Пекиндан Тибетга олиб борувчи магистрал йўлда 260 километрга чўзилган улкан тирбандлик кузатилади. Оқибатда миллионлаб одамлар икки ҳафта йўлда қолиб кетишади.

Тирбандликка йўлдаги таъмирлаш ишлари сабаб бўлади. Кўплаб машиналар бутунлай тўхтаб қолади ва уларнинг суткалик ҳаракатланиши бор-йўғи 1 километрни ташкил этади.

Ўшанда тирбандликда турган машиналарни тунаб кета бошлашади. Шунда уларни қўриқлаш учун 400 нафардан ошиқ полиция ходими тирбандлик содир бўлган ҳудудга юборилади.

2. Москва – Санкт-Петербург М-10 трассаси, Россия – 200 километр

2012 йил 30 ноябр куни Москва-Санкт-Петербург М-10 трассасини қор ҳамда муз қоплайди ва кўплаб йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлади.

Шундан сўнг Твер вилояти маъмуриятини трассанинг вилоятдан ўтган қисмини ёпишга қарор қилади. Оқибатда машиналар тўхтаб қолиб,

200 километрлик тирбандлик юзага келади.

Йўлларни тозалаш учун кўплаб махсус машиналар жалб қилинади. Бироқ улар йўлларни тозалаб улгуришмайди. Тирбандлик уч кун давом этади.

Шундан сўнг Россия ФВВ йўллар четида иссиқ чодирлар ўрнатади ва совуқда қолиб кетган ҳайдовчилар ва йўловчиларга иссиқ овқат ҳамда ичимлик тарқатди. Оғир вазиятга тушганларнинг бир қисми эвакуация қилинади.

3. Сан-Паулу, Бразилия – 193 километр

Сан-Паулу жанубий яримшардаги энг йирик шаҳар ҳисобланади ва бу ерда 20 миллион одам яшайди. Шунга яраша шаҳарда миллионлаб машина бор ва тирбандликлар одатий ҳисобланади.

Бу шаҳардаги энг йирик тирбандлик 2009 йил 8 май куни кузатилади. Ўшанда Сан-Паулу кўчаларида бир нечта йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлади. Оқибатда йўллар ёпилиб қолади ва шаҳар

бўйлаб 193 километрли улкан тирбандлик юз беради (бошқа маълумотларда тирбандлик 300 километрдан ошгани айтилади).

Бу шаҳардаги яна бир тирбандлик 2013 йил ноябр ойида кузатилади. Ўшанда Сан-Паулу аҳолиси Республика эълон қилинган кунни нишонлаш учун шаҳар чеккасига қараб отланишади. Оқибатда улкан тирбандлик содир бўлади ва кўчага чиққанлар кун бўйи ҳаракатлана олмасдан қолиб кетишади.

Умуман олганда Сан-Паулу дунёдаги тирбандлик кўп кузатиладиган шаҳарлардан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, шаҳардаги ҳар бешта кўчадан биттасида узундан узун тирбандликлар кузатилади.

4. Лион-Париж автомагистрали, Франция – 175 километр.

1980 йил 16 феврал шанба кунни Алп тоғларида ва мамлакат жанубида ўз таътилини ўтказган миллионлаб французлар уйга шошилишади. Шу кунни ҳаво булутли ва туман бўлиб, кўриш даражаси жуда паст бўлади.

Оқибатда кўп сонли машиналар 170 километрга чўзилган улкан тирбандликда қолиб кетади. Ушбу тирбандлик Гиннеснинг рекордлар китобига тарихда юз берган энг узун тирбандлик сифатида қайд этилган.

5. Хюстон, АҚШ – 161 километр

2005 йил АҚШнинг жанубида жойлашган Техас штати томон «Рита» тўфони яқинлаша бошлайди. Аҳолига эвакуация эълон қилинади.

Шундан сўнг кўпчилик ўзининг шахсий автомобили билан хавфсиз ҳудудларга қараб ҳаракатлана бошлайди. Оқибатда 160 километрга чўзилган улкан тирбандлик ҳосил бўлади.

Одамлар икки сутка тирбандликда қолиб кетади. Бир томондан даҳшатли тўфон яқинлашаётгани учун ҳукумат тирбандликда қолиб кетган одамларни зудлик билан қутқариш операциясини бошлайди.

Операцияга қутқарувчилар, ўт ўчирувчилар, ҳарбийлар, миллий гвардия ходимлари ва кўнгилчилардан иборат жуда катта куч ташланади. Натижада одамлар талафотсиз олиб чиқилади.

5. Токио, Япония – 135 километр

1990 йил 12 август кунни Токио шаҳри четидаги йўлларда 135 километрга чўзилган улкан тирбандликлар кузатилади.

Ўшанда тирбандликка Японияга «Вайнон» тўфони ёпирилгани, яна кўплаб японлар таътидан қайтаётгани сабаб бўлади.

Ўрта асрлардан қолиб келаётган жуда тор йўллар улкан машиналар оқимини сиғдира олмайди ва узун тирбандликлар содир бўлади.

Германиядаги тирбандлик \ Фото: pixabay.com

7. Шарқий ва Ғарбий Германия чегараси – 95 километр

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг иккига бўлинган Германия 1989 йилда қайта бирлашади. Шундан сўнг ҳар икки томонда яшовчилар саёҳат ва бошқа мақсадлар учун ҳаракатлана бошлайди.

1990 йил 12 апрел куни Шарқий ва Ғарбий Германия чегарасида ҳар икки томондан 18 миллион дана автомобил йиғилиб қолади ва 95 километр узунликда тирбандлик ҳосил бўлади.

Айнан шу тиқилинч автомобиллар сони бўйича дунёдаги энг йирик тирбандлик ҳисобланади.

8. Пенсилвания штати, АҚШ – 80 километр

2007 йил 15 феврал куни қалин қор ёғгани туфайли Пенсилвания штати бўйлаб ўтадиган I-78 магистрალი ёпилиб қолади.

Бундан беҳабар ҳолда йўлга чиққан кўплаб машиналар ҳаракатлана олмай тўхтаб қолади. Оқибатда Хюстон 80 километр узунликда улкан тирбандлик содир бўлади.

Тирбандлик бир сутка давом этади, ҳайдовчилар ва йўловчилар ана шу муддатда совуқда йўл очилишини кутишга мажбур бўлишади.

9. Москва, Россия – 60 километр

2015 йил декабр ойида Москва айланма автомобил йўлида Россия тарихидаги яна бир улкан тирбандлик кузатилади. Кучли қор туфайли кўплаб машиналар тиқилинчда қолиб кетади.

Тирбандлик етти соат давом этади ва машиналар соатига бор-йўғи 2-3 километр тезликда ҳаракатлана олади холос.

10. Нью-Йорк штати, АҚШ – 32 километр

1969 йилда Нью-Йорк штатида жойлашган Бетел шаҳарчасида рок-музиқа фестивали ўтказилиши белгиланганди. Ушбу фестивални томоша қилиш учун кўплаб одамлар келади ва шаҳарча ҳудудидан ўтган магистрал йўлни тўсиб қўйишади.

Оқибатда, ушбу магистралда улкан тирбандлик кузатилади ва унда кўплаб машиналар билан бирга 500 минг одам қолиб кетади.

Ўшанда музиқачилар ҳам шаҳарчага етиб бора олмайди. Уларни манзилига етказиш учун вертолёт чақирилади. Тирбандликда қолиб кетган ҳайдовчилар ва йўловчилар йўллар очилишини уч сутка кутишга мажбур бўлади.

Шу нуқтаи назардан соҳага масъул ташкилотларнинг тирбандликнинг олдини олиш масаласига бўлган эътибори кучайтирилди.

Жумладан, мавжуд ҳолатда аҳолининг ҳаракат йўналишлари ва вақтлари бўйича самарали ташкил этилган, гавжум жойларгача “бир қадам” тамойили асосида жойлаштирилган бекатлар ва инфратузулма объектлари, барқарор тезликда ҳаракатланадиган, йўналишлари қулай боғланган жамоат транспорти тизимини жорий этиш чора-тадбирлари учта асосий йўналишда олиб борилмоқда.

Биринчидан, шаҳардаги мавжуд оқимларнинг (транспорт юклармаси) йўл-кўча тармоғи бўйича тақсимланишини, янги зичлаштириладиган ҳудудлардан йўл тармоғига тушадаган юклармаси, таклиф этиладиган жамоат транспорти самарадорлигини ҳамда йўл-кўча тармоғига тушадиган юклармаларнинг қайта тақсимланишини олдиндан баҳолаш воситаси сифатида Тошкент шаҳрининг транспорт макромодели ишлаб чиқилди. Хусусан, Жаҳон банки грант маблағлари ҳисобига жалб қилинган экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда ушбу модел янада такомиллаштирилмоқда. Бу ишлар ноябрь ойида яқунланади.

Иккинчидан, жамоат транспорти янгиланган ҳаракат таркиби (автобуслар)дан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида автобуслар йўналиш тармоғи доимий равишда такомиллаштириб бориляпти. Жумладан, умумий узунлиги 44 км бўлган кўча-йўл участкаларида алоҳида автобуслар йўлаги ташкил этилиб, ҳозирда ушбу йўлаклардан кунига 16 мингта автобус қатнайди ва 600 минг йўловчининг кунлик умумий (ўртача 10 минутдан) 100 минг соат вақти тежалишига эришилди.

Учинчидан, умумий узунлиги 472 км бўлган, транспорт доимий ҳаракатланадиган ва асосий артериялар ҳисобланган кўчаларда жамоат транспорти ҳаракат устуворлиги, бекатлар ва пиёдалар учун қулай, хавфсиз инфратузилма, транспорт оқимининг самарали бошқаруви (ақлли светофорлар) тизимини ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шулар қаторида бугунги ҳолатни яхшилаш, аҳолининг ҳаракатланишга бўлган эҳтиёжини сифатли, қулай ва хавфсиз хизматлар орқали қондириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

1. Жамоат транспорти самарадорлигини ошириш, йўловчиларнинг ҳаракатланишга сарфлайдиган вақтини камайтириш мақсадида, бир транспортдан бошқасига ўтишга мўлжалланган қулай тарифларни кенг қўллаган ҳолда қисқа масофали автобус йўналишларини жорий этиш.

2. Тирбанд кўчаларда автобуслар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатланишда йўқотилаётган вақтни камайтириш мақсадида, проспектларда фақат тўғри ҳаракатланадиган магистрал автобус йўналишларини жорий қилиш.

3. Пойтахтга шаҳар атрофи ҳудудларидан кунлик кириб келадиган ҳамда чиқувчи ва магистрал йўналишлар кесишган жойларда пиёдалар учун қулай хавфсиз муҳитни (инфратузилмани) яратиш.

5. Агломерация ҳудудини боғлайдиган темирйўл йўловчи ташиш (электричка) тизимини такомиллаштириш, янги автобус йўналишларини жорий этиш ҳамда қулай транспорт ўтиш боғламаларини ташкил этиш орқали шаҳарга кирувчи транспорт оқимини камайтириш.

6. Шаҳарда юк транспорти ҳаракатини чеклаш ва ТҲАЙ бўйлаб айланма ҳаракатланишга йўналтириш, шаҳар ичида юк транспорти ҳаракатланадиган вақт ва йўлларини аниқ белгилаб бериш.

7. Автомобиль йўлининг темирйўл билан кесишмаларида, транспорт боғлиқлигига талаб юқори бўлган (белгиланган мезонлар асосида аниқланган) жойларда ҳудудларни боғловчи кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, автомобил йўлларида ва чорраҳаларда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, тирбандликлар ва ҳаракат оқимини оширишда ахборот технологияларини қўллаш хавфсиз ҳаракатни тامينлашда муҳим ўрин эгаллайди. Биз йўлчи муҳандислар текис, раво ва ҳаракат хавфсизлиги тامينланган автомобил йўллари лойиҳалаш жараёнида худди шундай ҳаракат жадаллигини ва оқими оширувчи тизимларни ҳам лойиҳаласак ишонаманки, бизни йўлларимиз ҳам замон талабларига жавоб берувчи йўлларга айланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш. Мирзиёев 4 июнь кунини Тошкент шаҳрида янги йўл ва кўприк лойиҳасидаги нутқи.

2. Қ.М. Иноятов, М.А. Мамажонов. "Автомобил йўлларида ҳаракатни хавфсиз ташкил этишда сунъий иншоотларнинг роли" zacademia scientific-methodical journal republican number 3 on the subject "Increasing

the innovative activity of youth, improving the spirituality and achievements in science" collection of materials august 31, 2020 part 12 pages 539 541 <ISSN (E) -2181-1334> [1]

2. M.M. Ergashev, M.A. Mamajonov, M.F. Xolmirzayev. "Automation and modulation of highways in gis software" "Theory and practice of modern science" №5 (59) 2020 UDK: 528. 48. (575.192) [2]

3. Makhmudov Omadjon, Mamajonov Murodjon, Kholmirzayev Mirzohid, Inayatov Qahramon "Design a smart pedestrian crossing" электронное научно-практическое периодическое издание "Экономика и социум" №6(85) (июня, 2021). <http://www.iupr.ru> УДК 004.02:004.5:004.9 ISSN 2225-1545[3]

4. <https://daryo.uz>

5. <https://kun.uz>